



«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
ҚР «Минтақавий йўлларга буюртмачи  
хизмати» ДУЖ директори  
Б.Балтабаев  
«    »    2022 йил

Амударё тумани «Жумур овул» МФЙ ҳудудида жойлашган «Шижоатли» ички йўл  
кўчаларини жорий таъмирлаш смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун  
**ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

- Буюртмачи: ҚР «Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати» ДУЖ
- Лойиҳа учун асос: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёвнинг 2022 йил 25 октябрь кунги, 2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги ПҚ-408 сонли қарори.
- Молиялаштириш манбаи: Давлат бюджети маблағлари
- Бош лойиҳачи ташкилот: Тендер савдолари натижаси билан аниқланади.
- Бош пудратчи ташкилот: Тендер савдолари натижаси билан аниқланади.
- Қурилиш тури: Жорий таъмирлаш
- Объект жойлашган ҳудуд: Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани «Бой овул» МФЙ
- Объектнинг лойиҳавий қуввати: Объектнинг бошланиши, узунлиги, эни ва охири ҳамда ишлар ҳажми нуқсон далолатномалари асосида аниқланади.
- Посёлка ва шаҳарлар кесишмаларида ички йўлининг ҳолати: зарур ҳолларда йўл ҳаракати хавфсизлиги ишлари, йўл базаси ва тротуарнинг алоҳида қисмларини таъмирлаш.
- Ер тури: текис
- Йўлнинг техник тоифаси: мавжуд параметрларга мувофиқ
- Режалаштирилган техник-иқтисодий асос: талаб қилинмайди.
- Мавжуд ер ости ва ер усти тузилмалари: заруратга асосан фойдаланиш.
- Сунъий тузилмалар: бетон қувурлар ва кўприк элементларини текшириш ҳамда агар керак бўлса таъмирлаш.
- Қоплама тури: мавжуд параметрларга мувофиқ
- Қурилиш муддати: икки ой
- Лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва тугатиш: шартнома асосида
- Лойиҳалаш ва тадқиқот ташкилотини молиялаштириш ишлари: Буюртмачи томонидан
- Муҳандислик кидирув ишларининг зарурлиги: Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалдаги норма ва қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.
- Топшириш қабул қилиш тартиби: Лойиҳа смета ҳужжатлари ушбу топшириқ талабларига биноан ишлаб чиқилади ва 3 нусхада, электрон вариантда ҳамда амалдаги стандартлар бўйича расмийлаштирилган ҳолда буюртмачига топширилиши лозим. Топширилган лойиҳа смета ҳужжатларини буюртмачи корхона томонидан 10 кун мобайнида кўриб чиқилиб аниқланган камшиликлар бартарап етилади. Агарда ундан кейин камшиликлар аниқланса, лойиҳачи корхонанинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга ошириш мажбурятини олади. Объектдаги ҚМИ бошлангандан то яқунлангунига қадар, яъни объект фойдаланишга топширилгунгача, лойиҳачи ташкилот томонидан муаллифлик назорати олиб борилади.
- Алоҳида шартлар: Юқори турувчи орган томонидан лойиҳа-смета ҳужжатларини ўрганиб чиқиш натижасига кўра камчилик ва нуқсонлар аниқланган тақдирда лойиҳачи ташкилот жабовгар бўлиш билан биргаликда, ҳужжатларга ўзгартириш киритиш лозим деб топилган ҳолларда лойиҳа-смета ҳужжатларига белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритиб ҳужжатларга қайтадан ўз маблағлари ҳисобидан давлат экспертизадан ўтказиш мажбуриятини олади.

Тайёрлаган:

Т.Джанабаев